

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
СОЛИҚ ҚҮМИТАСИ



**“Маҳалла еттилиги” даги солик
инспекторининг вазифалари бўйича
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

ТОШКЕНТ - 2024

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ КУТУБХОНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

**“Маҳалла еттилиги”даги солик
инспекторининг вазифалари бўйича
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

ТОШКЕНТ – 2024

УДК -----

ББК -----

Жамоатчилик асосида фаолият юритадиган “маҳалла еттилиги”нинг таркиби сифатида солиқ инспекторининг асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари. Услубий қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024 й. 19- бет.

Мазкур услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармонига мувофиқ “маҳалла еттилиги” аъзоси бўлган солиқ инспекторлари томонидан тадбиркорларга сифатли солиқ хизматларини кўрсатиш, солиқ базасини кенгайтириш, солиқларни ундириш ва маҳалла бюджетининг даромадини шакллантириш юзасидан тегишли республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ходимлари, шу жумладан, ҳудудий адлия органлари ходимлари учун ҳуқуқни қўллаш амалиётини тўғри ва бир хилда ташкил этиш ҳамда амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси билан биргаликда ишлаб чиқилган. **Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.**



МУНДАРИЖА

1.	УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	-	6
2.	СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛАРГА СОЛИҚ ХИЗМАТЛАРИНИ КҮРСАТИШ	-	7
3.	СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИ ТОМОНИДАН СОЛИҚ БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ	-	8-9
4.	СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИ ТОМОНИДАН СОЛИҚЛАРНИ УНДИРИШ ВА МАҲАЛЛА БЮДЖЕТИНИНГ ДАРОМАДИНИ ШАКЛАНТИРИШ	-	9-10
5.	СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ	-	10-11
6.	СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ	-	11-13
7.	СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИНИНГ МОДДИЙ ТАЪМИНОТИ	-	13
8.	ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР	-	13
9.	ФОЙДАЛАНИЛГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР	-	14
10.	ИЛОВАЛАР	-	15-22

МАҲАЛЛА СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИНИНГ ИШ ЙУРИТИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

МАҲАЛЛА “ЕТТИЛИГИ”



СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИ



МАҲАЛЛА РАИСИ



ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИ



ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ



ИЖТИМОЙ ХОДИМ




ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ

I. УМУМИЙҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси “маҳалла еттилиги” томонидан маҳалланинг ички ресурсларини аниқлаш ҳамда уларни ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш учун сафарбар этишда кўмаклашади. **Солик инспектори:**



II. СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛАРГА СОЛИҚ ХИЗМАТЛАРИНИ КҮРСАТИШ

5. Солиқ инспекторининг тадбиркорларга солиқ хизматларини күрсатиш бўйича асосий вазифалари:

солиқ тўловчилар, солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар, ҳисобланган ва тўланган солиқлар тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш;

солиқ текширувларини ўтказишда солиқ тўловчиларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида маълумот бериш, шунингдек ўтказилган текширишлар натижалари тўғрисида хабардор қилиш;

солиқ тўловчиларга солиқ тўғрисидаги қонунчиликни ижро этишида ёрдам бериш, солиқ тўғрисидаги қонунчилик нормаларини ва солиқ имтиёzlарини қўллаш тартибини тушунтириш;

солиқ тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги тўғрисидаги аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни ўрганиши;



масалани ҳал этиш солиқ органлари ваколатлари доирасига кирмайдиган ҳолларда солиқ тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилиши фактлари бўйича материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топшириш;

солиқ тўловчининг талабига биноан солиқларни тўлаш бўйича солиқ мажбуриятининг бажарилиши юзасидан солиштирма далолатнома тузиш;

юридик ва жисмоний шахсларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларини ҳисобга олиш, уларга солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамини бериш ҳамда бу ҳақда статистика ва рўйхатдан ўтказувчи органларга расмий равища маълум қилиш;

III. СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИ ТОМОНИДАН СОЛИҚ БАЗАСИННИ КЕНГАЙТИРИШ

6. Солиқ инспекторининг солиқ базасини кенгайтириш бўйича асосий вазифалари:

солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектларининг ўз вақтида ҳамда ишончли ҳисобга олинишини таъминлаш (*схемаси қўлланмага илова қилинади*);



солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича таҳлил қилиш ва таъсирчан чоралар ишлаб чиқиши, шу жумладан макроиктисодий кўрсаткичларнинг динамикаси ва маҳалланинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали таъсирчан чораларни қўллаш, солиқлар йиғилишини ошириш бўйича чораларни амалга ошириш;

пул маблағларининг ғайриқонуний айланиши манбаларига барҳам бериш, аҳоли билан пулли ҳисобкитобларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул тушумининг тўлиқ ва ўз вақтида топширилиши юзасидан мунтазам назоратни таъминлаш:

солиқлар ва йиғимларнинг тушумини таъминлаш, шу жумладан маҳалла бюджети даромадини оширишнинг қўшимча захираларини аниқлаш бўйича молия органлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлик қилиш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туришдан бўйин товлаш механизмларини ўрганиш, аниқлаш ва бартараф этиш;

солиқ тўловчиларни “хавф-хатар” гуруҳи бўйича сегментлашни амалга ошириш;

ишлиб чиқариш ва даромадлар миқдорларини яшириш, сотилган маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар ҳажмларини камайтириб кўрсатиш механизmlарини ўрганиш ва аниқлаш, кўрсатиб ўтилган механизmlарнинг қўлланишини бартараф этиш тадбирларини амалга ошириш.

IV. СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИ ТОМОНИДАН СОЛИҚЛАРНИ УНДИРИШ ВА МАҲАЛЛА БЮДЖЕТИНИНГ ДАРОМАДИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

7. Солиқ инспекторининг солиқларни ундириш ва маҳалла бюджетининг даромадини шакллантириш бўйича асосий

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (кейинги ўринларда –Давлат бюджети) ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ва йиғимларнинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида ва бир хилдаги тушумини таъминлаш ҳисобига маҳалла бюджетининг даромад қисмини барқарор шакллантириш;



солиқ тўловчилар ўз солиқ мажбуриятларини ихтиёрий бажариши учун мақбул шарт-шароитлар яратиш;

солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича ишларни амалга ошириш, солиқقا оид ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича комплекс тадбирларни бажариш;

юридик шахслар ва якка тартиbdаги тадбиркорлар томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилиш;

банклар томонидан тегишли ахборот тақдим этилишига кўра банк ҳисобварақлари бўйича тўққиз ой мобайнида пул операцияларини амалга оширган ҳолда молия-хўжалик фаолиятини юритмаётган, шунингдек, тўққиз ой давомида солиқ ҳисботларини тақдим қилмаган корхоналарни аниқлаш;



Солиқ кодексига ҳамда бошқа қонун хужжатларига мувофиқ солиқлар ва йиғимлар бўйича солиқ қарзини ундиришни белгилайдиган қонун хужжатларида назарда тутилган чоратадбирларнинг қўлланишини таъминлаш;

уйма-уй юриш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши, аҳолининг турли қатламлари билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш орқали тўпланган муаммолар ва тизимли камчиликларни аниқлаш бўйича ишларини амалга ошириш;

солиқ тўловчилар ўртасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун ва моҳиятини тушунтириш бўйича ишларни ташкил этиш.

V. СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

8. Солиқ инспектори қуийдагиларга ҳақли:

солиқ тўловчилардан ва учинчи шахслардан солиқларни ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш учун зарур бўлган хужжатлар ва маълумотларни (ахборотни), шу жумладан электрон тарзда тақдим этишини талаб қилиш;

Солиқ кодексида белгиланган тартибда солиқ текширувлари ва бошқа солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

худудни, ишлаб чиқариш, омборхона, савдо биноларини ва бошқа биноларни, шу жумладан солиқ тўловчи даромад олиш учун фойдаланадиган ёки солиқ солиш объектларини сақлаш билан боғлиқ жойларни қўздан кечириш;

мол-мулкни инвентаризация қилиш ва бажарилган ишлар, қўрсатилган хизматларнинг назорат ўлчовларини ўтказиш;

солиқларни ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш билан боғлиқ ҳужжатларни ва электрон ахборот жисмларини олиб қўйиш;

фото- ва видеотасвирга тушириш, тушунтиришлар ҳамда бошқа маълумотларни олиш;



солиқ тўловчи ҳисоб ҳужжатларини йўқотган ёки йўқ қилган ҳолларда солиқ тўловчи тўғрисидаги ўзида мавжуд ахборот, шунингдек бошқа шу каби солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотлар асосида солиқлар суммасини ҳисоб-китоб орқали мустақил равища аниқлаш;

солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларини қўриш;

солиқ тўловчиларни ва солиқ агентларини ёзма билдириш асосида солиқ органларига улар томонидан солиқларни тўлаш юзасидан ёки солиқ текшируви билан боғлиқ равища, шунингдек улар томонидан солиқ тўғрисидаги қонунчиликнинг бажарилиши билан боғлиқ бошқа ҳолларда тушунтиришлар беришга чақириш ва бошқалар.

VI. СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Солиқ инспектори:

солиқ тўғрисидаги қонунчиликка риоя этиши;

солиқ тұғрисидаги қонунчилікка риоя этилиши, солиқлар ва ийғимларнинг түғри ҳисоблаб чиқарилиши, түлиқ ҳамда үз вақтида тұланиши устидан назоратни амалга ошириши;



солиқ тұловчилар, солиқ солиши объектлари ва солиқ солиши билан боғлиқ объектлар, ҳисобланған ва тұланған солиқлар түлиқ ва үз вақтида ҳисобға олиннишини таъминлаши;

солиқ текширувларини ўтказища солиқ тұловчиларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари түғрисида маълумот берishi, шунингдек ўтказилған текширишлар натижалари түғрисида хабардор қилиши;

солиқ тұловчиларга солиқ түғрисидаги қонунчилікни ижро этишида ёрдам берishi, солиқ түғрисидаги қонунчилік нормаларини ва солиқ имтиёзларини құллаш тартибини тушунтириши;

масалан, солиқ инспектори солиқ тұловчидан маҳаллий давлат ҳокимияты органлари томонидан солиқ тұлаш муддатларини ўзгартириш имкониятими бериши тартибини тушунтириши (құлланмага илова қилинады);



масалани ҳал этиш солиқ органлари ваколатлари доирасига кирмайдыган ҳолларда солиқ түғрисидаги қонунчилікнинг бузилиши фактлари бүйича материалларни ҳуқуқни муҳофаза қылувчи органларга топшириши;

солиқ түғрисидаги қонунчилік бузилғанлиги түғрисидаги аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни ўрганиши;

солиқ сирига риоя этиши ва унинг сақланишини таъминлаши;



солиқ тўловчининг талабига биноан солиқларни тўлаш бўйича солиқ мажбуриятининг бажарилиши юзасидан солиштирма далолатнома тузиши;

ушбу Кодексга мувофиқ солиқ қарзи суммасини сўзсиз ундириши ва бошқа мажбуриятларни бажариши шарт.

VII. СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИНИНГ МОДДИЙ ТАЪМИНОТИ

10. 2024 йил 1 марта бошлаб маҳалла раислари ҳоким ёрдамчisi, ёшлар етакчisi, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторлари фаолиятини KPI асосида баҳолашда 20 фоиз балл бериш ҳуқуқига эга бўлади.

2024 йил 1 январдан бошлаб “маҳалла еттилиги” аъзоларининг иш ҳақини асосий иш жойидан бериш тартиби сақлаб қолинган ҳолда KPI асосида баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб, улар моддий рағбатлантирилиб борилади.

VIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

11. Кўлланма билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари ўртасида тафовут бўлган тақдирда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари қўлланилади.

12. Кўлланма уни тўғри қўллашда “маҳалла еттилиги”нинг аъзоси бўлган солиқ инспекторлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларига яқиндан амалий ёрдам кўрсатади.



IX. ФОЙДАЛАНИЛГАН НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси
3. “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонун
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармони
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПҚ-402-сон қарори
6. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 апрелдаги 150-сон қарори
7. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 декабрдаги 776-сон қарори
8. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 ноябрдаги 736-сон қарори
9. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон қарори

**Солиқ тўловчиларни давлат солиқ хизмати органларида солиқ солиш объекти
бўйича ҳисобга қўйиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Механизм	Муддатлар
1-bosqich	Солиқ тўловчининг вакили	<p>Мол-мулк солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва (ёки) норуда қазилма бойиклари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солиш объекти вужудга келган кундан эътиборан:</p> <p>акцизости маҳсулотни реализация қилиш бошланган пайтдан бошлаб;</p> <p>алоҳида бўлинма ташкил этилган пайтдан бир ой ўтганидан кейин давлат солиқ органига ариза тақдим этади.</p>	Ўн календарь куни ичида
2-bosqich	Давлат солиқ хизмати органи	<p>1. Солиқ тўловчиларни уларга илгари берилган СТИРга мувофиқ объектнинг жойлашган ери бўйича ҳисобга олади.</p> <p>2. Маълумотларни Давлат солиқ қўмитасининг автоматлаштирилган тизими орқали Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритади.</p>	Ариза ва хужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичида
3-bosqich	Солиқ тўловчининг вакили	Аввал тақдим қилинган маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида ариза тақдим этилади.	Ўзгаришлар юзага келган кундан эътиборан ўн календарь кунидан кечиктирмай
4-bosqich	Давлат солиқ хизмати органи	Тақдим этилган маълумотлар асосида солиқ тўловчининг ҳисоб маълумотларига тегишли ўзgartiriшларни киритади.	Уч иш куни ичида
5-bosqich	Солиқ тўловчининг вакили	Давлат солиқ хизмати органига солиқ тўлаш мажбурияти тугаганлиги тўғрисида хабарнома юборади.	Солиқ тўлаш мажбурияти тугатилган

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ КУТУБХОНАСИ

			кундан бошлаб ўн календарь кунидан кечикирмай
6-босқич	Давлат солик хизмати органи	Солик тўловчининг кейинги даврлар учун солик ҳисоботларини тақдим этиш мажбурияти тугаганлиги бўйича ахборот тизимига тегишли ўзгартиришларни киритади.	Хабарнома олинган кундан бошлаб уч календарь куни ичida

**Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан солиқ тўлаш муддатларини
ўзгариши имкониятини бериш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Манфаатдор шахс	<p>Мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ тўлаш муддатларини ўзгариши имкониятини бериш учун қоғоз ёки электрон шаклда солиқ солиш обьекти жойлашган жой бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ариза беради.</p>	Заруратга кўра
2-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	<p>1. Аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни Низом талабларига мувофиқ кўриб чиқади ва ваколатли орган қарори лойиҳасини тайёрлади.</p> <p>2. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят халқ депутатлари Кенгашлари ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашига қарор лойиҳасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритади.</p>	Манфаатдор шахснинг аризаси тушган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида
3-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят халқ депутатлари Кенгашлари ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгаши	Солиқ тўлаш муддатларини ўзгариши имкониятини бериш ёхуд уни беришни рад этиш бўйича қарор қабул қиласди	Солиқ тўлаш муддатларини ўзгариши ёхуд уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси ушбу шахс ҳисобда турган жойдаги солиқ органи ва манфаатдор шахсга юборилади
4-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент	1. Солиқ тўлаш муддатларини ўзгариши имкониятини бериш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси ушбу шахс ҳисобда турган жойдаги солиқ органи ва манфаатдор шахсга юборилади.	Қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ КУТУБХОНАСИ

	шашар хокимликлари	2. Солиқ тұлаш мұддатларини үзгартыриш имкониятini бериш рад этилиши назарда тутилған тақдирда, асосланған рад этиш сабабларини күрсатған ҳолда қабул қилинған қарор түғрисида манфаатдор шахсни ёзма равища хабардор қиласы.	Қарор қабул қилинған кундан бошлаб бир иш куни мобайнида
--	-----------------------	--	---

Услубий күлланмага
3-илова

**Солиқ органдар томонидан солиқ ҳисоботини шакллантириш ҳамда солиқ түловчилар
томонидан солиқ ҳисоботини тасдиқлаш
СХЕМАСИ**

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ КУТУБХОНАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Солиқ органлари	<p>Қуидаги солиқ турлари бўйича ички ва ташки манбалар асосида келиб тушган маълумотларни умумлаштиради:</p> <p>кўшилган қиймат солиги; айланмадан олинадиган солиқ; мол-мулк ва ер солиги;</p> <p>қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ер солиги бўйича.</p>	<p>Ҳисобот давридан кейинги ойнинг 11-санасига қадар</p> <p>Жорий солиқ даврининг 15 январига қадар</p> <p>Жорий солиқ даврининг 10 апрелига қадар</p>
2-босқич	Солиқ органлари	Солиқ ҳисоботларини шакллантиради.	Маълумотлар умумлаштирилгандан сўнг 1 кун ичида
3-босқич	Солиқ органлари	Шакллантирилган солиқ ҳисоботини солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборади.	Солиқ ҳисоботлари шакллантирилгандан сўнг 1 кун ичида
4-босқич	Солиқ тўловчи	<p>Солиқ органи томонидан шакллантирилган солиқ ҳисоботини тасдиқлади.</p> <p>Эътиrozлар мавжуд бўлганда, солиқ ҳисоботини қайта ишлайди ва солиқ органларига тақдим этади.</p>	<p>Шахсий кабинетига солиқ ҳисоботи келиб тушгандан сўнг шу солиқ тури бўйича ҳисобот топшириш муддатида</p>

Услубий қўлланмага
4-илова

ФОЙДАЛИ МАЪЛУМОТЛАР

03.12.2020 йилдаги ПФ-6121-сон



РУС

ЎЗБ

OZB

ЎЗБЕРУС

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ ВА МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТҮҒРИСИДА

Ер участкалари ва мол-мulkни соликقا тортишни янада такомиллаштириш, уларни баҳолаш ва хисобини юритишида замонавий усуслари жорий килиш, ер ва сув ресурслари, ер қөъридан қазиб олинадиган фойдали қазилмалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустакиллигини янада ошириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 январдан бошлаб қўйидаги тартибни жорий этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўкори Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари Солик кодекси билан белгиланадиган солик ставкалари асосида кишлук ҳўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб ер солиги ставкасига 0,5 дан 2,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни кўплаган ҳолда ер солиги ставкаларини белгилайди;

туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари Корақалпоғистон Республикаси Жўкори Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан белгиланган, Тошкент шаҳри бўйича эса Солик кодексида белгиланган ер солиги ставкаларига кишлук ҳўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтируvчи ва ошируvчи коэффициентларни киритиш ҳукуки берилади.

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахснинг даромадларига ушбу Кодекснинг 381-моддаси 1-қисмига асосан 12 фоизлик солик ставкаси бўйича солик солинади.

Ўзбекистон Республикасининг 2023-йил 25-декабрдаги “2024-йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-886-сон Қонуни 8-иловаси билан 2024-йил учун мол-мulkни ижарага берувчи жисмоний ва юридик шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари белгиланди.

Шунга мувофик, жисмоний ва юридик шахслар учун белгиланган ижара тўловининг ҳудудлар бўйича энг кам ставкалари қўйидагича:

T/р	Ижарага бериладиган мол-мulk тuri	Белгиланган ставка миқдорини тавсифловчи кўрсаткич	Ойлик ижара тўлови ставкаларининг энг кам миқдорлари, сўмда		
			Toшкент шаҳри	Нукус шаҳри ва вилоят марказлари-даги шаҳарлар	Бошқа аҳоли пунктлари
1 Уй-жойлар:					
	турар жой	умумий майдоннинг 1 кв.метри учун	25 000	12 000	5 000
	нотурар жой		40 000	23 500	10 000
2 Автомобиль транспорти:					
	енгил автомобиль (йўловчилар, багаж ташибига мўлжалланган ҳамда ҳайдовчи ўринини хисобламаганда, ўриндиклари сони 8 тадан кўп бўлмаган автотранспорт воситаси)	1 та автотранспорт воситаси учун		780 000	
	микроавтобуслар, автобуслар ва юк автомобиллари			1 550 000	

Қуидаги жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган мол-мulk **60 квадрат метр** доирасида солиқ солишдан озод қилинади:

1) ўн нафар ва ундан ортиқ болалари бор ота-оналаридан бирининг. Мазкур имтиёз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг болалар борлигини тасдиқловчи маълумотномаси асосида берилади;

2) пенсионерларнинг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси асосида берилади;

3) I ва II гурух ногиронлиги бўлган шахсларнинг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-мехнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

Ушбу моддада кўрсатиб ўтилган солиқ имтиёzlарига эга бўлган шахслар солиқ имтиёzinи олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни солиқ солиш обьекти жойлашган ердаги солиқ органларига **мустақил равишда** тақдим этади.

Ушбу солиқ имтиёzlари мулқдорнинг танловига кўра фақат битта яшаш учун мўлжалланган кўчмас мулк обьектига татбиқ этилади, бундан 4-бандда кўрсатилган шахслар мустасно.

Солиқ ставкалари

Солиқ ставкалари қуидаги миқдорларда белгиланади:

T/p	Солиқ солиш обьектлари	Солиқ ставкалари, фоизларда
1.	Уй-жойлар ва квартиralар, дала ҳовли иморатлари (умумий майдони 200 кв.м гача бўлганларини қўшиб ҳисоблаганд), кўп квартиralи уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари, шунингдек бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар	0,31
2.	Шаҳарларда жойлашган уй-жойлар ва квартиralар, умумий майдони: 200 кв.м дан ортиқ ва 500 кв.м гача бўлган	0,41
	500 кв.м дан ортиқ бўлган	0,55
	Бошқа аҳоли пунктларида жойлашган, умумий майдони 200 кв.м дан ортиқ бўлган уй-жойлар ва квартиralар, дала ҳовли иморатлари	0,41
4.	Тадбиркорлик фаолияти учун ёхуд юридик шахсга ёки якка тартиbdаги тадбиркорга ижарага беришда фойдаланиладиган солиқ солиш обьектлари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромадлар олиш учун мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк обьектлари	1,5

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ КУТУБХОНАСИ

ҚАЙДЛАР УЧУН

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ КУТУБХОНАСИ

